

ТАРИХНИ ПИКТОГРАММА БИЛАН ЎРГАНАМИЗ

Баймухамбетова Раҳима Калбаевна

ЖДПИ академик лицейи тарих фани ўқитувчиси

Мазкур мақолада, тарих дарсларида “Пиктограмма” методини қўллаш, унинг келиб чиқиш тарихи, ва турлари ҳақида маълумот берилди. Мақолада бу методни бир неча кўринишда Ўзбекистон ҳамда Жаҳон тарихи дарсликларида келтирилган маълумотлар мисолида тушинтиришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Пиктография, пиктограмма, петроглиф, геоглиф, идеограмма, эмодзи, креативлик, топқирлик, рақобат, таҳлил.

Ключевые слова: Пиктография, пиктограмма, петроглиф, геоглиф, идеограмма, эмодзи, креативность, находчивость, способность, конкуренция, анализ.

Пиктограмма нима? Бу ҳаётимизнинг ҳар бир қатламига кириб борган расм ва белги изоҳлардир. Пиктограмма тасвирланаётган предметнинг характерли хусусиятини жонлантиришга урғу берувчи воситадир. Биз ҳаётимизнинг турли жабҳаларида унга суянамиз. Белгилар асосида йўл қоидаларига амал қиламиз, автомобил бошқарамиз, жамоат жойларда баланд овозда гапирмаймиз, ёқилғи қўйиш шаҳобчаларида ўз эҳтиётимиз учун керак мажбуриятларни бажарамиз. Ижтимоий тармоқларда, бирор нарсага муносабатимизни кичик смайлларда изҳор қиламиз. Спорт ўйинларини расм ва белгилар асосида ажратамиз. Бу белгилар бизга овозсиз сўзлайди, тушунтиради, тарбиялайди, буйруқ беради, ундайди. Шу ўринда айтиш жоизки пиктограмма тарихи қадим ўтмишга ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда бу янги ўйлаб топилган нарса эмас. Пиктограмманинг бир неча йўналишларида терминологик атамалар мавжуд бўлиб, асоси пиктографияга тегишлидир.

Пиктография – қадимги расм хат. Пиктография (лот. Пиктус-чизилган, тасвирланган ва ...графия) — муайян ахборот мазмунини бирон-бир расм ёки қатъий кетма-кет келган расмларда акс эттириш усули. Пиктография белгилари — пиктограммалар яни фонетик ёзув белгиларидан шу билан фарқ қиладики, улар аниқ тил бирлигига боғлиқ эмас ва улар хоҳлаган тилда хоҳлаганча талқин қилинади. Кўп ҳолларда қадимги пиктография схематик шаклга эга

бўлган.¹ Ўтмиш меросини ўрганиш жараёнида пиктография, петроглифлар (қоятош расмлар), геоглифлар (ер юзига чизилган улкан суръатлар) билан бирга ўрганилади.² Пиктография шакли ёзув, петроглиф мақсадни етказиш усулидир. Дунёга машхур кўпгина қоятош рамлар сўнгги палеолитнинг ўрталарига таллуқлидир. Ибтидоий одамлар томонидан яратилган қоятош расмлар ва белгилар шу даврнинг ижтимоий талабидан келиб чиққан. Сўнгги палеолит даврига оид ғорлар деворларида топиб текширилган расмлар ҳам қадимги одамларнинг диний тасаввурлари ҳақида ҳикоя қилади. Бундай расмлардан энг қадимийлари Испаниядаги Алтамир, Франциядаги Ласко Бошқирдистондаги Капова ғорларидир.³

Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги Зараутсой қоятош расмлар бўлиб, Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбида, Кўҳитанг тоғининг шарқий ён бағридаги Зараутсой дарасидаги ўнгир ва камар тошларига ишланган ибтидоий санъатнинг нодир намуналари меозолит даврининг бизгача етиб келган энг катта меросидир.⁴ Ҳозирда деярли ҳар куни биз белги ва расмларга дуч келаемиз. Булар эндиликда ўз вазифасига қараб турлича терминлар билан номланади. Масалан, белги, рамз, эмблема, лаготип, сифат белгиси, бренд. Албатта буларнинг асоси ва кенг аҳамиятлиси пиктограмма ва идеограммадир. Пиктограмма бир қарашда бир маънони келтириб чиқарса, идеограмма бир неча маъно ва ғояни ўзида акс эттиради, албатта, пиктограмманинг бир бўлаги ҳисобланади. Пиктограммада телефон, экскалатор, ногиронлар аравачаси каби расмлар айнан шунинг ўзини англатса, идеограммада йўл ҳаракати қоидаларида яъни велосепед расми айнан велосипедни эмас, балки велосепедда юриш йўлакчасини билдиради. Телефоннинг устидан тортилган чизик телефондан фойдаланмаслик ва баланд овозда гаплашмасликни англатади. Ижтимоий тармоқлардаги қувонч, норозилик каби ғояларни ташувчи смайллар идеограмма таркибига кирувчи эмодзи дейилади.⁵



Пиктография
Идеограмма

Петроглиф
Эмодзи

Пиктограмма

Бу белги ва расмлар таълим жараёнига ҳам татбиқ этилган бўлиб, китобларнинг бош саҳифаларида берилган шартли белгилар яъни ўқи, ёз, ўйла, уйда бажар деган маъноларни билдиради. Бошланғич мактабларда гуманитар фанларда ҳам расмлардан кенг фойдаланилади. Хусусан, тарих дарсларида ҳам мавзули маълумотлар бериш жараёнида пиктограмма усулининг расмли кўринишидан фойдаланиш самара беради. Бунда топилиши қийин бўлган белгилар, рамзлардан фойдаланиш шарт эмас. Тушиниш ва хулоса қилиш учун оддий расмлар кифоя. Дарс жараёнида пиктограмма усулидан умумий ва катта маънога эга бўлган мавзунини очиб берувчи воқеаларга йўналтирувчи расмларни танласа бўлади.

Бу жараёнда келтирилган суръатлар аниқ шу маънога эга бўлмасда, воқеа жараёнини очиб беришга хизмат қилса ва ўқувчи ёки талабанинг фикрлашини ишга солса, мақсадга эришилган ҳисобланади. Хар-ҳил шакллар ва бир маъно келиб чиқувчи расмлардан бир жумла билан тугайдиган маълумотлар учун фойдаланса бўлади. Қуйида катта мавзунини сўзлаб бериш учун асос бўлувчи 3 та мисол ҳамда бир жумла билан битта маълумотга асосланган 3 та мисол келтирамыз.

1-савол



1-саволда келтирилган суръатларга шарҳ.

Бу 1920 йилда Бухоро амирлигини тугатиш учун большевиклар тамонидан амалга оширилган ҳарбий операция. “ – Улар ўн битта тайёра (аэроплан) билан Бухоро шаҳри устида парвоз этиб, бомба ёғдирдилар. Бу уруш асносида душман таҳминан Бухоронинг ярмини тўп ва пулемётдан ўққа тутиб кўп талафот етказди. Камбағал бева-бечораларни қаттиқ ташвишга солиб қўйди” – деб ёзиб қолдирилган тарихий адабиётларда. (10-синф Ўзбекистон тарихи дарслиги).

2-савол



2-саволда келтирилган суръатларга шарҳ

Уруш йиллари Ўзбекистон халқи фронтга ўз делегацияларини жангчиларга совғалар билан юборди. 1941-йил декабрда Тошкентдан Москвага озиқ-овқат ортилган эшалон юборилди. Бу ҳақида машҳур “Қирқ биринчи йил олмаси” номли фильм ишланган. (10-синф Ўзбекистон тарихи дарслиги).

3-savol



3-саволда келтирилган суръатларга шарҳ

“Ост-Индия” компанияси ҳиндларнинг ўзидан ёлланма қўшин тузди. Бу қўшин аскарари сипохий деб аталар эди. Қўшинга инглиз аскарлари зобитлик қиларди. Сипохийлар қўзғалонининг бошланишига туртки бўлган сабаб қўшинда патрон билан ўқланадиган милтиқнинг жорий этилиши бўлди. Патроннинг усти ёғланагн қоғоз билан қопланган бўлиб, милтиқ ўқлашдан олдин қалин қағозни тиш билан очиш керак эди.

Сипохийлар орасида қоғоз пўстлоқ ўстига суртилган ёғ сигир ва чўчқа ёғининг аралашмасидан тайёрланган, деган гап тарқалиб кетди. Ҳиндуийлар учун сигир муқаддас ҳисобланади ва унинг гўшти истеъмол қилинмайди. Ҳинд сипохийси сигир ёғи суртилган патронни тиш билан тишлашни ўз динини таҳқирланиши, мусилмон сипохийси эса чўчқа ёғи суртилган патронни тиши билан тишлаш ислом динини онгли равишда таҳқирланиши деб қабул қилди. Охири бу ҳодиса қўзғалон кўтарилишига олиб келди. Қўзғалон 1857 йилда бошланди. (8-синф Жаҳон тарихи дарслиги).

Эътибор билан қаралса, 1-саволда учаётган аэроплан ерда турибди. 2-саволда Тошкент шаҳрининг, Москванинг ёки эшалоннинг расми йўқ. 3-саволда патроннинг расми йўқ. Ваҳоланки бу саволнинг асоси эди.

Лекин мақсад ўқувчини ўйлантириш экан, фикр юритишга йўналтириш муҳимроқ. Кенг маъноли мавзунинг ўзи ёритиб беради.

Бир жумлани фойдаловчи пиктографик суръатлар.

1-савол



Шимолий Либериянинг қирғоқлари Қалампир қирғоқ, Фил суяги қирғоғи, Олтин қирғоқ, Волта ва Нигер дарёлари оралиғи Қул қирғоғи деб аталган. (8-синф Жаҳон тарихи дарслиги).

2-савол



Турор Рисқулов бошчилигидаги бир гуруҳ коммунистлар “-Туркий халқлар ягона бўлиб, уларнинг тарихий илдилари, динлари, анъаналари ва маданияти муштаракдир, ягона Туркистонни алоҳида қисмларга ажратиб бўлмайди” -деган ғояни илгари сурдилар. (10-синф Ўзбекистон тарихи дарслиги).

3-савол



Уруш пайтида қорақалпоқлардан “қозон пули” деб номланган солиқ олинган. (9-синф Ўзбекистон тарихи дарслиги).

Бу усулдан фойдаланишнинг аҳамиятли тамони шундаки ўқувчи:

- фикрлайди;
- таҳлил қилади;
- хотирада мустаҳкамлайди;
- жавобни топади;

- ўзидан қониқиш ҳосил килади;
- зерикмайди;

Дарсликларнинг сўнги бобларидан жой олувчи маданият,фан ва адабиётга ажратилган мавзуларни, жумладан, асарлар номини яхши эслаб қолиш учун ҳам бу усулни кенг қўллаш мумкин.

Бу жараённи қўллаш юқорида келтирилган мисолларнинг тартибга солиш учун кетадиган вақтдан анча кам вақт талаб этади. Ўқитувчининг ўзини ҳам чарчатмайди.

Мисол учун:

1. Нусратилла Қудратилла асари



.....

Жавоб: “Тўй” асари. Асарда айнан суннат тўй ва серчиқим харажатлар танқид қилинади. (9-синф Ўзбекистон тарихи дарслиги).



2. Холид Хусайний асари

.....

Жавоб: “Шамол ортидан югуриб”. Асарда дўстлик тараннум этилади. Асар сўнги ота ва боланинг варрак учуриши билан яқунланади. (10 -синф Жаҳон тарихи дарслиги).



3. Жиен Жиров достони

.....

Жавоб: “Дарбадар эл” достони. Унда урушлардан чарчаган ва кўчиш ва ҳар ёққа тарқалиб кетишга мажбур бўлган қорақалпоқ элининг машаққатли даври тарихи ёритилиб берилган. (8-синф Ўзбекистон тарихи дарслиги).



4. Абу Райхон Беруний асари

.....

Жавоб: “Минералогия” асари. Олимнинг 150 дан ортиқ асарлари ичидан бизгача етиб келган машҳур асарлардан бири. (7-синф Ўзбекистон тарихи дарслиги).



5. Даниел Дефо асари

.....

Жавоб: “Робинзон Крузо” асари. Бунда бахтсиз воқеа сабаб оролда ёлғиз яшашга ва тирик қолиш учун ҳаракат қилган образ ёритилиб, ўша даврда янги шаклланаётган тадбиркорлар қатлами вакилининг удабуронлиги ва соғлом фикри акс этган. (8- синф Жаҳон тарихи дарслиги).

Пиктограмма усулининг яна бир қулай ва самарали тарафи шундаки, бу усулда уйга вазифани тайёрлаш ўқувчининг ўзига ҳам мароқ бағишлайди. Ўқувчилар уйга вазифани тайёрлаш жараёнида:

-изланади;

-маълумотга мос расмлар ёки белгиларни излаш жараёнида бу маълумот бир-неча бор унинг ҳаёлидан ўтади, хотирада мустахкамланади;

-ўқувчида креативлик, топқирлик қобилияти шаклланади;

-бошқа тенгдошлари тамонидан бажарилган вазифа билан ўзининг меҳнатини солиштиради, баҳо беради;

-рақобат хисси пайдо бўлади;

- ўз ишини намойиш қилади, педагогикага ҳурмат шаклланади;

Бу усул адабиёт дарсларида ҳам жуда яхши самара беради. Таълим олувчи ёшларни икки гуруҳга бўлиб, биринчи гуруҳ асарларнинг боблари ёки воқеа ходисаларни очиб беришда рақиб гуруҳга шу йўл билан йўналиш беради ва дарснинг қолган қисмида иккинчи қарши гуруҳнинг аъзолари дарсликдаги ҳар бир маълумотни биттадан айтиб чиқади. Битта умумий кенг қамровли саволга гуруҳ билан жавоб бериш жараёнида , албатта барчамизга маълум бўлган “ақлий хужум” методидан фойдаланилади. Бунда ўқувчи ўзини эркин ҳис қилади. Айтаётган гапига масъулият билан ёндашади. Хозирги даврда нафақат ўқувчиларни балки атрофимизда биз билан нафас олаётган одамларни бирор янгилик билан ҳайрон қолдириш қийин. Ўқувчиларни ўқишга иштиёқини ошириш учун, энг аввало, уларнинг фикри эътиборини жалб қилиш учун замонавий муаллимларга янгидан янги маълумотлар излаб топиш ҳамда турли

метод ва усулларни ўз фаолиятига татбиқ этишни талаб этмоқда. Замон талаби билан ёнма-ён юришга аҳд қилган таълим фидойиларининг меҳнатининг жавоби эса, энг аввало, ўқувчиларнинг ҳурмати ва хотирасидир.

1

academic.ru

Этнографический словарь. Пиктография.

²jimdofree.com

<https://historyofwriting.jimdofree.com>) [древние-люди](#)

Пиктограммы, петроглифы, геоглифы - Сайт historyofwriting!

³“ 6-синф “Қадимги дуне тарихи” А.С. Сағдуллаев, В.А. Костетский. Тошкент-2022 йил.

4

<https://uz.wikipedia.org>)

wiki.

Zarautsoy rasmlari.

⁵podhod.ru

<https://podhod.ru>)

solutions

Разница между знаком, символом, пиктограммой ...